

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2025

туман прокурорининг катта ёрдамчиси  
Р.Темирбаев,

2306-2501/103-сонли жиноят  
ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

1963 йил 1 апрель куни Амударё туманида туғилган,  
миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,  
маълумоти ўрта, пенсияда, оилали, тўрт нафар  
фарзанди бор, муқаддам судланмаган,  
Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани,  
Куюк-Кўпир ОФЙ, Орол боғи кўчаси, 12-уйда  
яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185<sup>2</sup>-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини  
тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган  
далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

2024

, ЕХ-18 русумли, завод рақами  
121205078961-сонли электр ҳисоблагичдан ташқари, уйи ёнидан ўтувчи  
0,4 кВ. кучланишдаги электр узатиш ҳаво тармоғига тўғридан-тўғри уланиб,  
қуввати 2 кВт. бўлган 1 дона пайвандлаш ускунаси, қуввати 1 кВт. бўлган  
1 дона “болгарка” ускунаси, қуввати 0,6 кВт. бўлган 1 дона “дрель”  
ускунасидан

Судланувчи Б.Давлатмуратов суд мажлисида, қисман иқрорлик  
билдириб, 2024 йил 21 сентябрь куни ўз ишлари билан Хоразм вилоятига  
кетганини, қайтиб келган вақтида уйида нотаниш бўлган икки уч йигит  
келганини

тузатиш учун чақирган таниши



3.Тиркавов билан турганини кўрганини, улар ўзларини электр тармоқлари корхонасида ишловчи ходимлари деб таништиришганини, шу пайтда уйда ўзига тегишли бўлган комбайннинг таъмирлаш учун пайвандлаш ишларини бир кун аввал 20 сентябрь куни пайвандлаш апаратыни тўғридан-тўғри электр энергиясига [REDACTED]

[REDACTED]  
Фуқаровий [REDACTED]

[REDACTED] ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қайта ҳисоб-китоб қилингани, унга кўра ЕХ-18 русумли, завод рақами [REDACTED] ташқари, яъни Б.Давлатмуратовнинг Амударё тумани, “Куюк-кўпир” ОФЙ, Орол боғи кўчаси, 12-уйда жойлашган хонадони ёнидан ўтувчи 0,4 кВ. кучланишдаги электр узатиш ҳаво тармоғига тўғридан-тўғри уланиб, қуввати 2 кВт. бўлган 1 дона пайвандлаш ускунаси, қуввати 1 кВт. бўлган 1 дона “болгарка” ускунаси, қуввати 0,6 кВт. бўлган 1 дона “дрель” ускунасидан фойдаланиб, ХЭТ “Энергасавдо” филиалига 119.135.124 сўм зарар етказгани аниқлангани ҳақида [REDACTED]

[REDACTED] иборатлигини, 2024 йил 21 сентябрь куни Амударё туман электр тармоқлари бўлимининг ТЭТ АСКУЭ ва ЭЭЖМЕ хизмати ходимлари Амударё тумани “Куюк-кўпир” ОФЙ, Орол боғи кўчаси, 12-уйда яшовчи фуқаро Д.Давлатмуратовнинг яшаш хонадонидан текшириш ишлари ўтказилганини, текшириш ишлари давомида 0,4 кВ. ҳаво линиясидан тўғридан-тўғри электр ҳисоблагичдан ўтказмасдан сиртмоқ кўринишда улаб келаётгани аниқланганини, уланган электр қурилмалар қуввати 2 кВт. бўлган 1 дона пайвандлаш апараты, қуввати 1 кВт. бўлган 1 дона “болгарка” ва қуввати 0,6 кВт. бўлган 1 дона “дрель” жами 3,6 кВт. эканлиги, уланиш оқибатида жами 119.135.124 сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келингани аниқлангани, ҳолат юзасидан 21.09.2024 йил куни ходимлар иштирокида тегишли тартибда 35204-000222-сонли далолатномаси расмилаштирилгани ҳақида кўрсатув берди.

[REDACTED] ҳудудидаги электр таъминотчиларига электр энергиясини етказиб бериш, қарздорликларни ўз вақтида ундиришни назорат қилиш, трансформаторларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, янгидан қуриладиган реконструкция ишларини назорат қилишдан иборатлигини, 2024 йил 21 сентябрь куни ЭЭЖМЕ хизмати инженери И.Куниязов, Амударё туман электр тармоқлари бўлимининг ТЭТ АСКУЭ инженери Н.Исмаилов ва



С.Ешановлар иштирокида Амударё тумани “Куюк-кўпир” ОФЙ, Орол боғи кўчаси, 12-уйда [REDACTED] яшаш хонадонидан текшириш ишлари ўтказилганини, текшириш ишлари давомида 0,4 кВ. ҳаво линиясидан тўғридан-тўғри электр ҳисоблагичдан ўтказмасдан сиртмоқ кўринишда улаб келаётгани аниқланганини, уланган электр қурилмалар қуввати 2 кВт. бўлган 1 дона пайвандлаш апарати, қуввати 1 кВт. бўлган 1 дона “болгарка” ва қуввати 0,6 кВт. бўлган 1 дона “дрель” жами 3,6 кВт. эканлиги, уланиш оқибатида жами 119.135.124 сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келингани аниқлангани, ҳолат юзасидан 21.09.2024 йил куни ходимлар иштирокида тегишли тартибда 35204-000222-сонли далолатномаси расмилаштирилгани ҳақида кўрсатув берди.

[REDACTED] тегишли бўлган шולי маҳсулотларини ўриб беришини, Д.Давлатмуратовдан ойлик маоши тариқасида 6.000.000 сўм атрофида пул олишини, комбайн таъмир-талаб бўлиб қолганида, ўзи таъмирлашини, яъни пайвандлаш ишларини олиб боришини, 2024 йил 20 сентябрь куни Д.Давлатмуратовга тегишли уйда пайвандлаш апаратини текшириб кўриш мақсадида уй олдидан ўтган ҳаво линиясидан тўғридан-тўғри сиртмоқ кўринишда пайвандлаш ускунасини кўшганини,

[REDACTED] қолиб кетганини, эртаси куни электр энергияси ташкилотидан ходимлар келиб ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштирилганини, ҳақиқатдан ҳам ўша вақтда пайванлаш ускунаси ҳаво линиясига уланиб турганини, ўша ерда “болгарка” ва “дрель” ҳам бўлганини, лекин уларни ишлатмаганини, уйда Д.Давлатмуратов бўлмаганини, электр энергияси ташкилотидан ходимлар келган вақтда қаердандир Д.Давлатмуратов келгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Д.Давлатмуратовнинг айби, унинг айбига қисман иқроор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, тузилган электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик ҳақидаги далолатномаси, қайта ҳисоб-китоб далолатномаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотожадвали билан тўлиқ тасдиқланади деб ҳисоблайди.

Суд мазкур далилларни тергов органи томонидан ЖПК талабларига риоя тўпланган ва ишончли далиллар деб ҳисоблайди ҳамда юқорида келтирилган [REDACTED]

[REDACTED] ўзбошимчалик билан уланиб,



электр энергиясини ишлатиб, етказиб берувчи корхонага кўп миқдордаги зарар етказишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185<sup>2</sup>-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, 2025 йил 1 август кунидан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори 412.000 сўм этиб белгилангани ва кўп миқдор 123.600.000 сўмни ташкил этишини инобатга олиб, суд ҳукми чиқарилаётган вақтга келиб, жиноят иш бўйича етказилган 119.135.124 сўм зарар, анча миқдорни ташкил этишини инобатга олиб, судланувчи Д.Давлатмуратовнинг ҳаракатларини умумий

сифатида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисмига қайта малакалашни лозим деб топади.

Суд,

Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини-олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд

жазосини енгиллаштирувчи



ҳолатлар деб, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларсиз содир этган деб эътироф этиб, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, [REDACTED]

[REDACTED] етказилган 119.135.124 сўм зарарни қоплаш учун соттирилиб, Ўзбекистон Республикаси “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энерго савдо” филиали Қорақалпоғистон Бўлинмаси Амударё туман бўлимига ҳисобига ўтказишни, қолган қисмини ҳамда ашёвий далил деб эътироф этилган ва сақлаш учун Тахиатош туман прокуратурасига [REDACTED]

[REDACTED] 29-моддасида “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.” деб кўрсатилганини инобатга олиб, судланувчи Б.Давлатмуратовга ҳукм устидан юқори турувчи судга шикоят қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси, ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] Республикаси ЖКнинг 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 8 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Б.Давлатмуратов озодликни чеклаш жазосини Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани, “Куюк-Кўпир” ОФЙ, Орол боғи кўчаси, 12-уйда, яъни ўзининг яшаш хонадонига ўташ белгилансин ва ушбу уй-жойдан иш жойигача бориши ҳамда уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда чиқиш тақиқлансин.

Б.Давлатмуратовга жазо устидан назорат қилувчи органнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Амударё тумани худудидан рухсатсиз чиқмаслик қўшимча мажбуриятлари юклатилсин.

Б.Давлатмуратовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 5, 6-қисмлари талаблари, яъни агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни



(чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ИИБ Пробация бўлимига юклатилсин.

Жазо муддати, Б.Давлатмуратов жазони ижро этиш бўлимига ҳисобга кўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач;

- судланувчи Б.Давлатмуратовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

- Б. [REDACTED]

[REDACTED] 119.135.124 сўм зарарни қоплаш учун соттирилиб, Ўзбекистон Республикаси “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энерго савдо” филиали Қорақалпоғистон Бўлими Амударё туман бўлимига ҳисобига зарарни қоплаш учун ўтказилсин, қолган қисмини судланувчи Б.Давлатмуратовга қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ва сақлаш учун Тахиатош туман прокуратурасига [REDACTED]

[REDACTED] орақли судланувчи Б.Давлатмуратовга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм кўчирмасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида жинойт ишлари бўйича Амударё туман суди орқали Қорақалпоғистон Республикаси суди жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақли. Апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач эса, кассация тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

**Раислик қилувчи**

имзо

**Ж.Балтабаев**

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Ж.Балтабаев

